



НОГИРОНЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЗАХИРАЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Рашидов Диловар Нажмиддинович

Тошкент Давлат Транспорт

университети катта ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a47

Аннотация. Мақолада ногиронларларнинг бандлигини ошириш, улар учун корхоналарда иш ўринларини захиралаш, маҳсус иш ўринларини ташкил қилиш каби масалалар бўйича дунё тажрибаси ўрганилган. Тадқиқот давомида хорижий мамлакатларда бу ўйналишда амалга оширилаётган ишлар, жумладан, ногиронларни ишга қабул қилган иш берувчиларга нисбатан давлат томонидан қўлланилаётган қўллаб-куватлаш чоралари, уларни рағбатлантиришинг иқтисодий усуслари мавжуд манбалар асосида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, ногиронлар учун иш ўринларини захиралаш билан боғлиқ фаолиятни яхшилаш, уларнинг бандлиги кўрсаткичларини кўтариш, бу тоифадаги шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш каби масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: ногиронлар, квота, захираланган иш ўринлари, иш ўринларини захиралаш, иш ўринлари, маҳсус иш ўринлари, меҳнат шароитлари, имтиёз, имконияти чекланган шахслар, ижтимоий ёрдам, рағбатлантириш.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО РЕЗЕРВИРОВАНИЮ РАБОЧИХ МЕСТ ДЛЯ ИНВАЛИДОВ

Рашидов Диловар Нажмиддинович

Старший преподаватель Ташкентского
государственного университета транспорта

Аннотация. В статье рассматривается мировой опыт по таким вопросам, как повышение занятости инвалидов, резервирование для них рабочих мест на предприятиях, организация специальных рабочих мест. В ходе исследования на основе имеющихся источников проанализирована работа, проводимая в зарубежных странах в этом направлении, в том числе меры поддержки, используемые государством в отношении работодателей, трудоустроивших инвалидов, и экономические методы их стимулирования.

По результатам исследования разработаны предложения и рекомендации по таким вопросам, как совершенствование деятельности, связанной с резервированием рабочих мест для инвалидов, повышение уровня их занятости, повышение заинтересованности работодателей, трудоустроивших данную категорию лиц.

Ключевые слова: инвалиды, квота, резервированные рабочие места, резервирование рабочих мест, рабочие места, специальные рабочие места, условия труда, льготы, инвалиды, социальная помощь, льготы.

EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES ON RESERVING JOBS FOR THE DISABLED

Rashidov Dilovar Najmuddinovich

Senior Lecturer at
Tashkent State University of Transport

Abstract. This article discusses the world experience on issues such as increasing the employment of disabled people, reserving jobs for them in enterprises, and organizing special jobs. The article analyzes the work carried out in foreign countries in this direction, including state support measures for employers who employ disabled people, economic methods of their stimulation, based on available sources.

Based on the results of the research, proposals and recommendations were developed on issues such as improving activities related to reserving jobs for the disabled, increasing their employment rates, and increasing the interest of employers who employ this category of persons.

Key words: disabled people, quota, reserved jobs, job reservation, jobs, special jobs, working conditions, privilege, disabled people, social assistance, incentives.

Кириш. Кўп хорижий давлатларда ногиронларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг бу йўналишдаги тенг ҳуқуқли бўлишларини тартибга соладиган маҳсус қонун хужжатлари мавжуд. Шунингдек, ишчиларни танлашдан бошлаб уларни ишдан бўшатишгача бўлган жараёнларда ногиронларга нисбатан бевосита ёки билвосита камситишларни тақиқлайдиган қонунлар ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ қилинган. Ўзига нисбатан камситишлар билан тўқнашган ногиронларга етказилган маънавий зарарни, йўқотилган иқтисодий манфаатларни талаб қилишга имкониятлар яратиб берилган. Бундай баҳслар нафақат суд тартибидан, балки маҳсус тузилган комиссиялар ёрдамида ҳам ҳал этилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёнинг кўп мамлакатларида давлат оғир шаклдаги ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларни турли шаклларда ва усусларда рағбатлантиради. Мисол учун, шундай тажриба мавжудки, агар иш берувчи ногиронлик аравачасида ҳаракатланадиган ногиронни ишга қабул қилса, бу билан у корхонада ногиронлар учун захираланган квота иш ўринларидан бирданига иккита ўринни, ҳаттоқи, уч ўринни тўлдирган ҳисобланади. Бундай рағбатлантириш иш тажрибаси йўқ ногиронларни ишга қабул қилганда ҳам қўлланилади. Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналарга давлат субсидиялари ажратилади. Бу субсидиялар, одатда, ногиронларга соғлом шахсларга берилаётган миқдорларда ойлик иш ҳақи берилиши кафолатланганда ҳамда ногиронлар билан узоқ муддатли меҳнат шартномаси тузилганда, тақдим этилади. Субсидиялар, асосан, ногиронларнинг иш жойини керакли ускуналар билан таъминлаш ва маҳсус жиҳозларни сотиб олиш учун ажратилади. Баъзи мамлакатларда иш берувчиларга ижтимоий суғурта фондларига тўланадиган бадаллар ёки солиқлар ва кредитлар бўйича имтиёзлар берилади. Ногиронлиги бўлган шахслар корхонада ўтказиладиган турли тренинглар ва касбга ўқитиши дастурларида унга қатнашиш учун устунликка эга бўладилар. Худди, шунингдек, яна бир тажрибани айтиб ўтишимиз лозим. Одатда, давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган касбга ўқитиши дастурларида бепул ўқиш учун шахслар маълум вакт оралиғида расмий равишда меҳнат органлари томонидан “ишиш шахс” деб эътироф этилган бўлишлари лозим. Ногиронлиги бўлган шахсларга эса “ишиш шахс” мақомига эга бўлмасдан туриб ҳам ушбу дастурларда бепул ўқиш имтиёзи берилган.

Бундай тартиб Ўзбекистонда ҳам жорий қилинган.

Кўп мамлакатларда ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган маҳсус корхоналар мавжуд. Бу корхоналарга ногиронлиги бўлган шахслар учун асосий ёки ягона иш жойи сифатида эмас, балки одатий корхоналарга ишга кира олмаган ногиронлар учун “эҳтиётдаги”, “захирадаги” корхоналар сифатида қарабади. Бундай корхоналарда, асосан, одатий корхоналарда улар учун шарт-шароитларни яратиш ҳаддан ташқари мушқул ёки умуман иложи бўлмаган жуда оғир аҳволдаги ногиронлар меҳнатидан фойдаланилади.

Ушбу мақола мамлакатимизда ногиронларнинг бандлигини оширишнинг турли усулларини жорий қилиш, ногиронлар учун захирага қўйиладиган иш ўринларининг жозибадорлигини оширишда хорижий давлатлар тажрибаларининг бизга тўғри келадиган жиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш учун тавсиялар тайёрлаш мақсадида тайёрланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Россиялик олим Е.И.Холостова ўзининг тадқиқотларида ногиронларни ижтимоий реабилитация қилишнинг моҳиятини, унинг турларини назарий жиҳатдан очиб беради. Ногиронликнинг моделларига тавсиф беради, ҳар хил категориядаги ногиронликни ижтимоий реабилитация қилиш технологияларини таҳлил қилиб чиқади. Олим тадқиқот давомида ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини, шунингдек, ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг иш тажрибаларини жамлаб чиқади ва таҳлил қиласи [1].

Британиялик тадқиқотчи Сайнсбери ногиронлар бандлигини таъминлашда дуч келинаётган муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқади. Сайнсбери барча муаммоларни 8 та гурӯҳга ажратади: иқтисодиёт, ногиронлар билан ишловчи мутахассислар, уларга нисбатан муносабат, ногиронларни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, давлат сиёсати, тажриба, имкониятлар манзилининг тақчиллиги, технологиялар. Олим мана шу 8 та муаммога ечим топиш орқали ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини оширишни таклиф қиласи [2].

Олимлар О.Е.Радченко ва В.И.Зиновьевга ногиронларнинг бандлигини таъминлашда иш берувчилар учун ногиронлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш мухим ўрин тутишини таъкидлашади. Ногиронлар тўғрисидаги маълумотлар портали ҳукumatдаражасида назоратга олиниши, маълумот-

ларнинг ҳаққонийлиги таъминланиши лозимлигини ва фақат шу йўл билан ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш йўналишида шаффофлик таъминлаши мумкинлигини таъкидлашади [3].

Россиялик тадқиқотчилар А.А.Шабунова ва Л.Н.Фахрадова ҳам ногиронларни ишга жойлаштириш муаммоларини ўрганиб чиққанлар. Улар бу йўналишда самарадорликни ошириш учун асосий таклифларидан бири сифатида иш ўринлари устидан назоратни кучайтиришни кўрсатадилар. Бундан ташқари олимлар ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларни иқтисодий томондан рағбатлантириш, мамлакатда ягона бўлган ишсиз ногиронлар реестрни ташкил қилиш кабилар ҳам муҳим роль ўйнашинини таъкидлайдилар [4].

Австралиялик тадқиқотчи олим Г.Талепороснинг ўрганишлари, асосан, иш берувчиларга қаратилган. Г.Талепорос иш берувчиларни рағбатлантириш масаласи кун тартибига қўйилмас экан, ногиронларни ишга жойлаштириш масаласида муваффақиятга эришиб бўлмаслигини айтиб ўтади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга рағбатлантириш сифатида пул шаклида компенсация беришни тавсия қиласди [5].

Н.Дронишинең ва И.Филатова Японияда ногиронларни иш билан таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўрганишган. Тадқиқот давомида олимлар соҳадаги қонунчиликни чукур таҳлил қилишган, тегишли меъёрий-хукуқий хужжатларни ўрганиб чиқишган. Тадқиқот натижалари асосида ногиронлар ҳамда руҳий жиҳатдан носоғлом бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш йўналишида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган [6].

Тадқиқотчи Д.Рашидов мамлакатимизда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топища қийналаётган ва меҳнат бозорида teng шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун худудларда иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захира-га киритиш ҳолати, мазкур иш ўринларидан фойдаланиш даражаси ҳамда бу жараённи янада тақомиллаштириш масалаларини таҳлил қилган. Янги ташкил этилажак иш ўринларининг ёлланма ишчилар малакасига муносаблиги ва жозибадорлигини кучайтириш, мазкур ўринларга ишга жойлашиш учун фуқароларда қизиқиш ва иштиёқ уйғотиш, шунингдек, иш ўринлари захира-га қўйилган

корхона, ташкилот ва муассалаларнинг манфаатдорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган [7].

Д.Рашидов ва бошқалар томонидан республикадаги 156 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар ўрганилган. Ушбу корхоналарнинг аҳволи, мавжуд имкониятлардан қанчалик фойдаланилаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлиги, яратилган шартшароитлар каби масалалар чукур таҳлил қилинган. Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, бино ва иншотлар ҳамда асбоб-ускуналарни тақомиллаштириш ёки янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорларини кўпайтириш, ногиронлар учун янги иш ўринларини яратиш ҳамда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган [8, 9, 10].

Тадқиқот методикаси. Тадқиқот давомида кўплаб хорижий мамлакатларнинг ногиронлар учун иш ўринларини захира-га қўйиш сиёсати, бу йўналишда амалга ошираётган чора-тадбирлари атрофлича ўрганилди. Бу жараёнда олимларнинг фикрлари, таҳлиллари, илмий ишлари, статистик маълумотлар, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг соҳага тегишли қонунчилиги ҳамда меъёрий-хукуқий хужжатлари таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда ногиронларнинг бандлигини оширишнинг турли усуllibарини жорий қилиш, ногиронлар учун захира-га қўйиладиган иш ўринларининг жозибадорлигини ошириш учун хорижий давлатлар тажрибаларининг бизга тўғри келадиган жиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш учун таклифлар ва тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Таҳлил ва натижалар. Европанинг кўп мамлакатларида корхоналарда маълум бир миқдордаги иш ўринларини ногиронлар учун захира-га қўйиш тизими жорий қилинган. Бироқ АҚШ, Буюк Британия, Канада, Скандинавия мамлакатларида ногиронлар учун квота иш ўринларини ташкил қилиш тизими мавжуд эмас. Бу мамлакатлар иш берувчилардан имконияти чекланган шахсларни ишга қабул қилишда ижобий муносабатда бўлишларини талаб қилиш ҳамда бу иш ўринларини ускуналар билан таъминлашда алоҳида эътибор қаратиш билан чекланадилар.

Германия, Голландия, Швеция ва Европанинг бошқа мамлакатларида имконияти чекланган шахсларни меҳнат бозорига интеграция қилиш учун етарлича тажрибалар

тўпланган. Бу мамлакатларда малакали реабилитация алоҳида аҳамиятга эга.

Умуман олганда, ногиронлиги бўлган шахслар учун белгиланган квота талабларини бажарган иш берувчилар ҳамда ногиронлар

учун хориж мамлакатларида давлат томонидан жорий қилинган энг кўп учрайдиган имтиёзлар турларини умумлаштириб, қуидаги жадвалда кўрсатишимииз мумкин.

1-жадвал

Ногиронлар учун белгиланган квота талабларини бажарган иш берувчилар, шунингдек, ишга жойлашмоқчи бўлаётган ногиронлар учун хорижий мамлакатларда давлат томонидан жорий қилинган энг кўп учрайдиган имтиёзлар турлари

| Ногиронлиги бўлган шахслар учун белгиланган квота талабларини бажарган иш берувчилар учун | Ишга жойлашмоқчи бўлган НОГИРОНЛАР УЧУН |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> * корхонада ногиронларга маҳсус меҳнат шароитларини ташкил қилиш учун субсиядиялар ажратиш; * турли солиқ бўйича имтиёзлар бериш; * суғурта бадаллари бўйича имтиёзлар бериш; * фоизсиз ёки паст фоизли кредитлар бериш; * иш берувчига давлат қўллаб-куvvatлашидан фойдаланишада устунлик бериш ва ҳ.к. | <ul style="list-style-type: none"> * касб ёки мутахассисликка текинга ўқитиш; * малака ошириш ва қайта тайёрлов курсларида текин ўқитиш; <ul style="list-style-type: none"> * ўқиш билан боғлиқ харажатлар учун (транспорт харажатлари, сурдотаржимон ва кўзи ожизларга ўқиб бериш хизматлари) маблағ бериш; * ойлик маошлари меъердан кам бўлган ногиронларга давлат томонидан қўшимча ҳақ бериш; * уйда ишловчи ногиронларга меҳнат қилиш шароитларини ташкил қилиб бериш (компьютер жиҳозлари, турли дастгоҳлар ва ҳ.к.); * тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ногиронларга шарт-шароитлар яратиб бериш; * синов муддатисиз ёки қисқа муддатли синов билан ишга қабул қилиниш; * қисқартирилган иш куни ва узайтирилган таътиллардан фойдаланиш ва ҳ.к. |

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Германия. Германияда ногиронлар сони ҳар ўн кишидан биттани ташкил қиласди. Мамлакат бўйича ногиронлар сони 8 миллион атрофида. Ногиронларни реабилитация қилиш чора-тадбирлари ногиронликнинг дараҷасига қараб белгиланади. Ногиронларни реабилитация қилишни ташкиллаштиришга уларни касбга ўқитиш, қайта тайёрлов курсларида ўқитиш ва уларни ишга жойлаштириш киради. Ногиронларга реабилитацияни турли кўринишларда амалга оширадиган 100 дан ортиқ ташкилотлар хизмат кўрсатади. Ногиронларни ишга жойлаштиришда меҳнат биржалари фаол роль ўйнайди. Меҳнат биржалари бир вақтнинг ўзида маслаҳат ва воситачилик хизматларини ҳам кўрсатиб боради.

Германияда 20 дан ортиқ иш ўрнига эга бўлган компаниялар ногиронликнинг оғир

формасига чалинган шахслар учун иш ўринларининг 5 %ини (2003 йилгача бу кўрсатич 6 %ни ташкил қиласди) ажратишлари шарт қилиб қўйилган. Лекин шунга қарамасдан, немис компанияларининг деярли ҳар учинчи сидан бири ушбу қонуний талабни бажармайди ёки етарли бўлмаган даражада бажаради. Бу мажбуриятларни бажармаган корхоналар ногиронлар учун тақдим этилган ҳар бир иш жойи учун компенсация тўловини тўлайдилар. Компенсация миқдори квотага қараб ойига 115 дан 290 европача бўлган суммани ташкил қиласди. Шундай қилиб, ногиронлар учун ҳар бир банд қилинмаган иш ўрни учун “молиявий жарима” тўланиши керак. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бундай санкцияларга қарамасдан, ногиронликнинг оғир формасидаги шахс-

ларнинг ишсизлик даражаси улуши ногиронлиги бўлмаган шахслар ишсизлиги улусидан икки баравар юқори. 2011 йилда статистик маълумотларга кўра, Германия бўйича ишсизлар улуши 7,9 фоизни, ногиронлиги бўлган шахслардан ишсизлар улуши эса 14,8 фоизни ташкил этган. Рақамлар шуни кўрсатадики, Германияда ногиронлар ўртасидаги юқори ишсизлик даражасига жуда узоқ вақт давомида етарлича баҳо берилмаган. Германия ижтимоий иттифоқи каби йирик ижтимоийсиёсий бирлашмалар ногиронларнинг бандлиги тўғрисидаги пакт қабул қилинишини талаб қилмоқда. Сўнгги вақтларда Германия сиёсий доирасида корхоналарни ногиронликнинг оғир формасидаги шахслар учун ажратилган иш ўринлари квоталарини тўлдиришда кўрсаткичларини яхшилаш бўйича масъулиятини ошириш борасида қизгин мунозаралар кетмоқда.

Федерал меҳнат агентлиги ногиронлик тушунчасини қўйидагича аниқлайди:

1. Жисмоний, ақлий ёки психик нуқсонлари (оғишлар) бўлган, шунингдек, билим олишда қийинчиликларга дуч келадиган ёки шундай хавфи бор шахслар.

2. Ногиронлигининг кўриниши ва оғирлиги сабабли узоқ вақт давомида (яъни жамият ҳаётида қатнашишини қийинластирадиган 6 ойдан кўп бўлган муддатда ёши учун мос бўлган одатий ҳолатдан чекинган) меҳнат фаолиятида қатнашиш имконияти пасайган шахслар.

3. Меҳнат фаолиятида иштирок этиши учун ёрдамга муҳтоҷ шахслар.

Федерал меҳнат агентлиги ногиронларни қўллаб-қувватлашда бирламчи ва иккиламчи интеграцияни (касбий реабилитация) ажратади.

Меҳнат ва таълим олишга бирламчи интеграция тушунчаси мактабни битириб, меҳнат бозорига мурожаат қилган битирувчиларга, шунингдек, тугалланган касбий маълумотга эга бўлмаган ва умуман ишламаган ёки узоқ бўлмаган муддатда ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилади. Меҳнат фаолиятига иккиламчи интеграция тушунчаси тугалланган касбий таълимга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Федерал меҳнат агентлигининг ногиронларнинг меҳнат ҳаётида иштирокини ёки касби реабилитациясини қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятини кўриб чиқамиз. Исталган кўринишдаги меҳнат фаолиятини

бошлаш ёки касбий тайёрлашга қаратилган тадбирлар шундай қўллаб-қувватлашни олади. Бунда ушбу тадбирларни бажарадиганлар ижтимоий ҳимоя фондига мажбурий ўтказмаларни ўтказишлари лозим бўлади. Бу ҳолатда ҳамкорлик реабилитация ташкилотлари, касбга тайёрлаш марказлари, касбий тайёргарликни ошириш марказлари, ногиронлар учун устахоналарга кўрсатилади. Бу мақсадларда шахслар ўқиш учун, иштироки учун харажатлар, ассистент учун харажатлар, транспортни бошқариш учун бериладиган ёрдамга, техник ёрдам ва сурдотаржимон учун пул олишлари мумкин.

Иш берувчилар ўқиш учун, меҳнат фаолиятига интеграция қилиш, ишни бажаришга ёрдам бериш билан боғлиқ, шунингдек, ногиронларнинг синов тарзида банд бўлган даври учун харажатларнинг бир қисмини қоплаш йўли билан ҳамкорлик қиладилар.

Ҳар бир инсон, ўзининг индивидуал шароитларидан қатъи назар, жамият ҳаётида, меҳнат бозорида иштирок этиш имкониятига эга бўлиши шарт. Бу ўринда инсонларнинг салоҳиятини меҳнат бозори учун аниқлаш керак бўлади. Айтиш жоизки, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам муҳим мутахассислар ҳисобланадилар. Шлезвиг-Гольштейнедаги оғир формадаги ногиронларнинг 60 %идан ортиғи тугалланган касбий маълумотга эга. Бироқ, шунга қарамасдан, тугалланган касбий маълумотга эга бўлган оғир формадаги ногиронлиги бўлган ишсизларнинг сони ногиронлиги бўлмаган ишсизларнинг сонидан анча кўпроқни ташкил қилмоқда.

Бу қўйидагиларни англатади:

- ногиронларни иш билан таъминлаш корхоналарга аниқ фойда келтиради, чунки ногиронлар нафақат жуда яхши билимга эга, балки улар ғайратли ҳам бўлиб, нимага қодир эканликларини кўрсатишни хоҳлашади;

- Шлезвиг-Гольштейн федерал штатида умумий иш ўринлари сони 20 тадан кўп бўлган ҳамда қонунчилик бўйича иш ўринларининг 5 %ини ногиронликнинг оғир формасидаги шахсларга ажратишга мажбур бўлган 4700 га яқин иш берувчилар мавжуд. Бироқ бу корхоналарнинг тахминан 60 %и (яъни 2900 та иш берувчи) бу талабни бажармайдилар ёки бажарсалар ҳам 5 % миқдорида бажармайдилар. Бошқача қилиб айтганда, 24000 та атрофида иш ўринлари захираланиши лозим бўлган ҳолда, 7000 та иш ўринлари ажратилмай қолинмоқда. Бу ҳолат эса сиёsat ва жамият

БМТнинг меҳнат бозори тўғрисидаги Конвенциясини ҳаётга татбиқ қилиш учун бутун кучини сарфлаши лозимлигин кўрсатади.

Германияда ногиронларни касбга ўқитишнинг асосий вазифаси уларни умумий тан олинган касблардан бирига ўқитишдир. Бу жараён имкониятга қараб корхонада бевосита одатий ходимлар билан бир жойда олиб борилиши лозим. Ақли заиф ногиронлар ҳам улар учун қўшимча қўллаб-қувватлаш ва ёрдам талаб этилмаса, шундай шароитда ўқитилиши мумкин. Руҳий касалликлар билан оғриган баъзи ногиронлар мамлакатда мавжуд 52 та ногиронларни бошланғич ўқитиш институтларининг бирига (Berufsbildungs-werke) қабул қилиниши мумкин. Бу институтларда ўқиш учун 200 га яқин касблар бўйича 14 мингта яқин ўринлар мавжуд. Ўқитишнинг кейинги босқичларида ўқитиш ёки янги мутахассисликка ўқитиш учун улар мавжуд 28 та ногиронларни давомли ўқитиш институтларидан бирига қабул қилинишлари мумкин. Ушбу институтларда эса 15 мингтага яқин ўрин мавжуд.

Франция. Францияда барча қурилиш фирмалари обьектларни қурганда, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун бу обьектларда эркин ҳаракат қилиш имкониятларини яратишлари лозим. Шунингдек, давлат томонидан ногиронлар учун пулли нафақалар, соликдан имтиёзлар ва бошқа енгилликлар яратиб берилган. 2005 йилдан бошлаб ногиронларнинг меҳнат қилиш хуқуқи қонун билан мустаҳкамланган. Иш ўрни 20 тадан ортиқ бўлган корхоналар 6 тадан кам бўлмаган миқдорда ногиронларни ишга олишга мажбур.

Францияда ногиронлар узоқ муддат ишсиз бўлган аҳоли учун умумий дастурлар ва маҳсус институтларнинг ўқув курсларида қатнашишлари мумкин. Иш жойларида икки хил касбга ўқитиш дастурлари мавжуд: ишчиларни тайёрлаш маркази ва мутахассисларни тайёрлаш маркази. Бу марказларнинг фоалияти ногиронларга қаратилган ҳамда ногиронларнинг ижтимоийлашуви фондини бошқариш ассоциацияси томонидан қўшимча молиялаштирилади. Иш берувчилар ўқитиш бўйича ҳар бир шартномага давлатдан бир йил учун 1527 евро оладилар. Францияда бандликни қўллаб-қувватловчи методларни қўллаб, ногиронларни мақсадли тарзда очиқ меҳнат бозорига чиқарадиган ташкилотлар бир нечтагинани ташкил қиласди. Мисол учун, Paysdu Montbeliard ташкилоти 2006 йилда 112 нафар ногиронни ишга жойлаштиришга муваффақ

бўлган (худудда 194,5 минг киши истиқомат қиласди). Бу ташкилот AGEFIPH (ногиронларни жалб қилиш бўйича департамент режалари), каби бир нечта донорлик институтлари томонидан молиялаштирилади, шунингдек, Equal ("Тенглик" Европа ташабbusлари) доирасида маблағлар олади.

Ирландия. Ирландияда ногиронларнинг бандлигини қўллаб-қувватловчи миллий дастурлар Миллий ривожланиш режалари ва FAS маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Мамлакатда ҳар хил турдаги 24 та консорциумлар ташкил қилинган. Бу консорциумлар томонидан очиқ меҳнат бозорларида (ишга жойлаштириш бўйича қонунчилик талабларига мос келиши керак, масалан, дам олиш кунлари, хизматда қўтарилиш ва ҳ.к.) ногиронларни ишга жалб қилиш учун ишга жойлаштириш бўйича маслаҳатчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган хизматлар кўрсатилади. 2002 йилда бандликни қўллаб-қувватловчи Миллий дастур 1918 нафар ногиронни (булардан деярли ярми руҳий касалликлардан азият чекадилар) ишга жойлаштиришга ҳисса қўшган.

Италия. Италиядада ногиронларнинг меҳнат бозорига интеграциясини қўллаб-қувватловчи федерал ва худудий қонунчилик мавжуд. Давлатнинг 68/99-сонли қонунига биноан имконияти чекланган иш қидиравчилар уларнинг ҳолатини аниқлаш учун соғлиқни сақлаш идорасининг маҳаллий бўлимларида (соғлиқни сақлаш идораларининг маҳаллий бўлимлари қисқартирилиб, ASL (итальянчада: azienda sanitaria locale) деб аталади, унинг асосий вазифаси тегишли худудда тиббий хизматлар кўрсатишдан иборат) рўйхатдан ўтишлари лозим. Шундан сўнг ҳар бир имконияти чекланган шахснинг ҳолатига ташхис қўйилади ва уларнинг ишлаш учун салоҳияти аниқлаб олинади. Салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир шахс унга тўғри келадиган "ишни кутиш варагаси"да (ҳар бир провинцияда битта) рўйхатга олинади. Иш жойларида ўқитиш бўйича бир қанча дастурлар мавжуд. Бу дастурлар ногиронларнинг меҳнат бозорига интеграциясини яхшилашга хизмат қиласди. Италия қонунчилиги бўйича иш берувчилар томонидан ногиронлар учун тўланадиган солиқларни компенсация қилиш учун ҳар йили бюджетдан 31 млн. евро миқдорида маблағ ажратилади. Компенсациянинг энг юқори миқдори иш қобилияти 79 %дан ортиқ миқдорда пасайган, шунингдек, ногиронлиги психиатрик ёки интеллектуал жиҳатлари билан боғлиқ бўлган шахсларга ажратилади.

АҚШда 1990 йилдан ногиронлар тұғри- сидаги қонун амал қиласы. Бу қонун ногирон- ларнинг фуқаролик жамиятига тұлақонли аъзолигининг ҳуқуқий асосларини таъмин- лайды. Ногиронлар ижтимоий таъминот орқали ҳимоя қилинадилар. Шахс мәхнатга лаёқат- сиз бўлиб қолган тақдирда, унинг 18 ёшдан ошмаган болалари ва турмуш ўртоғи (62 ёш- дан ошган тақдирда) нафақа оладилар, шу- нингдек, улар турли имтиёзлардан фойдала- ниш ҳуқуқига эга бўладилар. Ногироннинг даромадлари белгиланган меъёрлардан кам бўлган тақдирда унга қўшимча ижтимоий даромад дастури бўйича ҳар ойлик тўловлар- ни олиш ҳуқуқи берилади. АҚШда иш ўрин- ларини захираға қўйиш бўйича қонун мавжуд эмас. Корхоналар ногиронларни ишга қабул қилишни рад қила олмайдилар, акс ҳолда каттагина жарима тўлашларига тұғри келади. Иккинчи томондан, ногиронларни ишга қабул қилган корхоналарга яхшигина солиқ имтиёзлари берилади.

Буюк Британия. Буюк Британияда қонунчилик соғлиқ томонидан имконияти чекланган шахсларнинг мәхнат фаолиятида қатнашишини рағбатлантиради. Ишга жойла- шиш ногиронларнинг жамият ҳаётига қўши- лиши, унинг ижтимоий адаптацияси деб тушу- нилади.

Буюк Британиядаги ногиронларнинг ишга жойлашишлари учун бир нечта йўллар мавжуд. 2002-2011 йилларда ногиронлар иш қидириш ва нафақа олишлари учун JobCentre Plus ташкилотига йўналтирилган. Бу агент- лик, биринчи навбатда, иш қидиувчилар ҳамда ишсизлиги сабабли яшаш ва иш қиди- риш учун нафақага муҳтож бўлган шахсларга ўз хизматларини тақдим қилган. Бу хизматлар ишга жойлаштириш бўйича маслаҳатчилар томонидан компанияда ёки телефон орқали кўрсатилган.

2010 йил октябрь ойигача Буюк Британияда WORKSTEP – бандликни субси- диялаш бўйича марказий дастур амалда бўл- ган. Бу дастур ногиронлиги бўлган шахсларга иш топиб беришга йўналтирилган. Дастур доирасида ногиронларга 145 та муниципа- литетда ёки кўнгилли ташкилотлардан иш ўринлари таклиф этилган.

Буюк Британияда ижтимоий хизматлар хузурида ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича махсус хизматлар мавжуд. Бу хизмат- лар ногиронларга иш қидиришда ёрдам беради, уларга махсус транспорт воситалари- ни сотиб олишлари учун нафақалар ажратади,

шунингдек, ногиронларнинг иш жойини ке- ракли жиҳозлар билан таъминлайди. Ноги- ронларни ишга қабул қилган корхоналарга махсус техника воситаларини сотиб олишлари учун (ногиронлик аравачаси, ногиронлар учун лифт ва ҳ.к.) ҳар ойлик нафақалар тўланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, оғир касал- ликлари бўлган ногиронлар уйда ҳам ишлаш- лари мумкин. Бунинг учун уларга махсус компьютер ускуналари ўрнатиб берилади. Кўзи ожиз ёки қисман кўра оладиган ногирон- ларга ўқувчи (маълумотларни унга ўқиб берувчи шахс) хизматига тўлаш учун нафақа берилади.

Буюк Британияда ногиронлар 6 ҳафта- лик синов муддати билан ишга қабул қилина- ди. Бандлик маркази ҳар қандай ҳолатда ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс номзодини ҳамда унга мос келадиган ишларни муҳокама қилишда, қандай ҳолат бўлишидан қатъи на- зар, иш берувчиларга ёрдам беради. Бандлик хизматлари тұғрисидаги маълумотлар ноги- ронлик бўйича яхши амалиёт Кодексида ҳамда маслаҳат хизматлари ва бандлик марказлари томонидан чоп этиладиган буклетларда жой- лаштирилган [1].

Хитой. Хитой ҳукумати ногиронларга, уларнинг муносиб иш ўрнига бўлган ҳуқуқига тегишли бир қанча ташаббуслар, сиёсий стан- дартлар ва қонунларни қабул қилган ва ҳаётга жорий қилган. Бунга ногиронларни доимий равишида молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва реабилитация хизматларини яхшилаш, бандлиги масаласида ҳамда солиқ имтиёзлари бўйича уларга ҳамкорлик қилиш чора-тадбирларини мисол қилишимиз мумкин. Хитойда ногиронлар учун иш ўринларини захиралашга ҳам эътибор берилган. Мамлакатда қонунчилликка биноан ҳар бир давлат ва хусусий корхоналар ўзида мавжуд иш ўринларининг 1,5 %идан кам бўл- маган миқдорда ногиронлар учун иш ўринла- рини захиралashi лозим.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳ- лиллардан маълум бўладики, дунёнинг кўплаб давлатларида ногиронлар учун иш ўринлари- ни захиралаш бўйича етарлича тажриба шаклланган. Мамлакатимизда бу йўналишда- ги фаолиятни ривожлантириш учун хорижий мамлакатларнинг айрим тажрибаларини қўл- лаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистонда ногиронлар учун иш ўринларини захиралашда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор бериш таклиф қилинади:

* иш берувчилар томонидан объектив сабабларга кўра квота билан боғлиқ бўлган

мажбуриятларни бажаришнинг имкони бўлмаган тақдирда улар учун турли муқобил варианatlарни тақдим қилиш;

* захираланган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамма учун очик бўлган ва фойдаланиш осон бўлган ҳар хил порталларга жойлаштириш, шунингдек, бу маълумотларни вақти-вақти билан янгилаб бориш;

* квотада белганган миқдорда ёки ундан ҳам ортиқроқ миқдорларда ногиронларни

ишга қабул қилган иш берувчилар учун турли иқтисодий рафбатлантириш чораларини жорий қилиш;

* иш ўринларини тўғри захирага қўйиш учун ҳар бир туман (шаҳар)да ногиронларнинг касби, соғлиқ ҳолати, мутахассислиги каби маълумотларни жамлаган реестрларни шакллантириш ва кейинчалик иш ўринларини захирага қўйиш жараёнида шу рўйхат асосида иш олиб бориш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холостова Е.И. Социальная работа с инвалидами. Учебное пособие. – М.: Изд.-торг. корпорация «Дашков и К», 2006. – 240 с. https://studylib.ru/doc/6309742/holostova-e.i.-social_naya-rabota-s-invalidami
2. Sainsbury R. Labour market participation of persons with disabilities – how can Europe close the disability employment gap? // The Right to Work of Persons with Disabilities – International Perspectives University of Kassel, 8-10 March 2017. URL:http://www.the-right-to-work.com/files/2017/plenum/Tag2/Sainsbury09_03_2017_Kassel.pdf
3. Радченко О.Е., Зиновьевна В.И. Влияние социального знания на формирование толерантности в отношении инвалидов. // Вестник Томского государственного университета. 2021. № 4(16). С. 141-143. Radchenko, O.E., Zinov'eva, V.I. (2021). Vliianie sotsial'nogo znaniia na formirovanie tolerantnosti v otnoshenii invalidov (Impact of social knowledge on formation of tolerance towards people with disabilities). Vestnik Tomskogo gosudarstvennogo universiteta (Tomsk State University Journal), No. 4(16), 141-143.
4. Шабунова Александра Анатольевна & Фахрадова Лейла Натиговна (2016). Актуальные проблемы трудоустройства инвалидов. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз, (6 (48)), 126-142.
5. Taleporos G. Employment and Disability: a complex problem with no simple solution. // Ramp Up. Disability. Discussion. Debate. URL: <http://www.abc.net.au/rampup/articles/2014/01/13/3922428.htm>.
6. Дроншинец Н. ва Филатова И. (2005) “Современные тенденции в трудоустройстве лиц с ограниченными возможностями в Японии” ГСНТИ. / Dronishinets N. va Filatova I. (2005) “Modern Trends in the Employment of Persons with Disabilities in Japan” GSNTI.
7. Рашидов Д. (2022). Ўзбекистонда инклузив меҳнат бозори истиқболлари: ахолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш: ҳолат, муаммолар ва таклифлар. Scienceweb academic papers collection.
8. Рашидов Д. (2022). Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар фаoliyatini takomillaشتiriш имкониятлари. Scienceweb academic papers collection.
9. Рашидов Д., Рахматов З., Умарова Д. & Кадирова Ш. (2023). Андижон вилоятидаги корхоналарда имконияти чекланган шахслар учун иш ўринларини қўпайтириш механизми. // Iqtisodiyot va ta'lim, 24(3), 496-501.
10. Рашидов Д., Умарова Д., Туйчиев А. & Каримова З. (2023). Имконияти чекланган шахслар меҳнат қиласиган корхоналарнинг фаoliyatini соғломлаштириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида). // Iqtisodiyot va ta'lim, 24(2), 279-283.
11. Нацун Л.Н. (2017) «Поддерживаемое трудоустройство» инвалидов: обзор мирового опыта. Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. 2017. Том 16. № 4. С. 663-680.
12. Конвенция ООН о правах инвалидов от 13 декабря 2006 года. [Электронный ресурс]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml
13. Закон ФРГ «Об обеспечении прав инвалидов в обществе, на работе и в профессиональной сфере» [электронный ресурс]. // Режим доступа: <https://behinderung.org/gesetze/schwbg.htm>.
14. Социальный кодекс Германии [электронный ресурс]. // Режим доступа: <https://www.buzer.de/gesetz/12357/a202889.htm>.